



## Ислом Нури

«...» :... «...»

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Барака таомнинг ўртасига тушади, унинг четларидан енглар, ўртасидан олиб еманглар» (Имом Термизий ривояти).

«...»

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таомни ҳеч қачон айбламаганлар, егилари келса ердилар, бўлмаса тарк қилардилар» (Муттафақун алайх).

«...»

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло бир луқма таом еб, бунинг учун Унга ҳамд айтадиган ёки бир қултум сув ичиб, бунинг учун Унга ҳамд айтадиган бандасидан албатта рози бўлади» (Имом Муслим ривояти).



## Ислом Нури

### **Шарҳ:**

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам йўллаган овқатланиш одобларидан бири – идишнинг четларидан олиб ейишдир. Чунки, барака унинг ўртасида бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таомланишдаги суннатларидан яна бири – таомдан фориг бўлгач, Аллоҳга ҳамд айтишдир. Таомни айбламаслик, егилари келса еб, бўлмаса тарк қилиш ҳам у зотнинг ахлоқи шарифаларидан эди.

### **Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:**

1. Таомнинг баракаси йўқолмаслиги учун уни идишнинг четларидан олиб ейиш, ўртасига қўл урмаслик лозим;
2. Таомнинг айбини айтмаслик, истаса еб, истамаса қолдириш суннатдир;
3. Таомдан кейин Аллоҳга ҳамд айтилади.